

«Наврўз дехкон бозори» АЖ
акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиш
баёни

2018 йил 28-июн

Тошкент шаҳри
соат 16:00

Овоз берувчи акциялар сони: 651 063

Акциядорларнинг 2017 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани Сайрам кучаси 1 уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносидан 2018 йил 28 июн куни ўтказилди. Йиғилишда 625 975 та овозга эга 10 та акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 96,14 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Йиғилишда қатнашганлар:

М.Турабеков – Тошкент шаҳар ҳокимияти, мутахассиси

М.Кадиров - «Тошбозорсавдо» уюшмаси бошқаруви раиси 1-уринбосари

Т.К.Камолов - "Тошбозорсавдо" уюшмаси инвестиция бўлими бошлиғи

Реестр бўйича акциядорлар сони 496 та. 651 063 та овоз. Бошқа тегишли мутасадди ходимлар, жамми акциядор 10 та акциядор, 625 975 овоз билан қатнашиб, йиғилиш ўтказиш учун 96,14 % кворум ташкил этди.

Тошкент шаҳар Ҳокимиятига тегишли 625 500,0 акцияларнинг ишончли вакили этиб, Фуқаролик Кодексининг 134-моддаси талабларида белгиланган тартибда, "Тошбозорсавдо" уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари М.Т.Кадиров келди.

Йиғилишда раисликни Т.К.Камолов олиб борди.

Т.К.Камолов йиғилиш ўтказиш учун кворум 96,14 % бўлганлигини маълум қилди ва йиғилишни очиш учун овозга қўйди.

Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан йиғилишни очиш учун овоз бердилар.

Йиғилишга котиб этиб, З.Т.Бердиева номзоди таклиф этилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек, Т.К.Камолов йиғилишга санок комиссияси сайлаб олиш лозимлиги ҳақида айтиб, санок комиссияси номзодлигига таклиф этилган М.Х.Ахунова, Х.К.Сиздикходжаева, Ф.М.Абдумуслимоваларини овозга қўйди.

Санок комиссияси юқоридаги таркибда бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш раиси Т.К.Камолов умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилганлигини маълум қилди:

1. Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.
2. Жамиятнинг 2016-2017 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви ҳулосасини кўриб чиқиш.
3. Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳулосалари.
4. Жамиятнинг 2016-2017 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

5. Жамиятнинг 2016-2017 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб-варағини тасдиқлаш, унинг фойдасини тақсимлаш.
6. Жамиятнинг 2018 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда «Даромадлар ва ҳаражатлар сметаси режаси»ни тасдиқлаш.
7. Жамият директори меҳнат шартномасини узайтириш.
8. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш.
9. Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш.
10. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

Йиғилиш раиси Т.К.Камолов кун тартибидаги масалаларни муҳокама этиш учун овозга қўйди. Ушбу таклиф овозга қўйилди ва йиғилиш катнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек, йиғилиш катнашчилари томонидан кун тартибидаги масалалар юзасидан регламент куйидагича бўлиши ҳақида келишиб олинди.

Биринчи масалага 30 минут, қолган масалаларга 5-10 минут, муҳокамада сўзга чиқувчилар учун 3-5 минутдан вақт берилиши келишиб олинди.

Санок комиссияси томонидан йиғилиш муҳокамасига қўйилган масалалар юзасидан бюллетенларга овоз бериш қай тартибда амалга оширилиши ҳақида тушунча берилди.

Кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан мажлис раиси Т.К.Камолов сўзни жамият директори Ф.Б.Ибрагимовга берди.

Ф.Б.Ибрагимов сўзга чиқиб, «Наврўз дехкон бозори» АЖ нинг 2017 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича даромадлар режасини бажарганлиги, тозалик ишларини амалга оширганлиги, тушумларни оширганлигини билдирди.

Йиғилиш раиси Ф.Ибрагимовдан йил якуни бўйича туликрок ҳисобот беришини суради.

Ф.Ибрагимов саволларга тайёр эканлигини маълум қилди.

Йиғилиш раиси томонидан ҳисоботда курсатилган Вазирлар Маҳкамасининг 207-сонли қарори бўйича амалга оширилган ишлар ва бошқалар ҳақидаги саволига Ф.Ибрагимов томонидан жавоб берилмади.

Йиғилишда 1-масала бўйича қисқача савол –жавоб бўлиб ўтди.

Кун тартибидаги масала юзасидан кузатув кенгашининг ҳисоботи куриб чиқилиб, жамиятни 2017 йилга тасдиқланган йиллик бизнес – режа бажарилишининг бориши тўғрисида жамият ижро этувчи раҳбарининг ҳисоботлари ҳар чорақда эшитилгани, жамият ижро этувчи орган томонидан ҳар чорақда берилган ҳисоботларда мавжуд бўлган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ундириш ишларини жадаллаштириш ва бундай қарзларни пайдо бўлишига йўл қўймаслик, даромадлар ва ҳаражатлар сметасида белгиланган ҳаражатлардан ортиқ ҳаражатга йўл қўймаслик ҳамда ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган фармонлар, фармойишлар ва буйруқларни ўз вақтида бажарилиши юзасидан тавсиялар бериб борилгани, уз навбатида Кузатув кенгаши мажлисларида қабул қилинган қарорларни ижроси, назорати ва бажарилиши ижроия орган директоридан талаб этилгани, акциядорлик жамиятлари қонунига асосан жамиятнинг 2018 йилга мўлжалланган бизнес – режаси 2017 йил 21 ноябрга қадар Кузатув кенгаши мажлисида маъқуллангани, жамият ижроия органи иши бўйича Кузатув кенгаши томонидан жамият ижроия органи раҳбари Ф.Ибрагимовга 2017 йил 17 апрелда «ХАЙФСАН» БЕРИЛГАНИ, 2017 йил 18 июлда такрорий интизомий чора сифатида ойлик иш ҳақининг 20% миқдорида ушлаб қолиш чораси курилгани ҳақида айтиб утилди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни аудиторлик ташкилоти ходими маълум сабабларга келмаганлиги учун жамият ҳисобчиси Ф.Абдумуслимова - ҳисобот берди.

Ф.Абдумуслимова сўзга чиқиб, «Наврўз дехқон бозори» АЖ 2016-2017 йил молиявий – хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви ҳаққоний, қонунчиликка асосан ўтказилганлигини айтиб, жамият аудитори томонидан ижобий хулоса берилганлигини айтиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **учинчи масала** бўйича сўзни жамият тафтиш комиссияси аъзоси маълум сабабларга келмаганлиги учун жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси З.Т.Бердиева сўзга чиқиб, тафтиш комиссия аъзоларининг фикрича ижобий фикр билдириш учун асос бўладиган қайд этилган вазиятларнинг муҳимлиги натижасида «Наврўз дехқон бозори» акциядорлик жамиятининг 2017 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққонийлигини акс эттиришини тўғрисида тафтиш комиссияси хулоса берганлигини тўғрисидаги хулосани ўқиб эшитирди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни жамият муҳосиби Ф.Абдумуслимовага берди.

Жамият муҳосиби Ф.Абдумуслимова сўзга чиқиб, жамиятни 2016-2017 йил молиявий – хўжалик ҳисоботи (баланс) бўйича тўлиқ таништириб ўтди.

«Наврўз дехқон бозори» АЖнинг 2018 йил 1 январь ҳолатига бухгалтерия баланси (минг сумда)

№	Актив	Сумма	Пассив	Сумма
1	Асосий воситалар бошланғич қиймати	1 281 871,4	Устав капитали	650 000,0
2	Эскириш	370 202,4	Захира капитали	209 798,9
3	Асосий воситалар қолдиғи	911 669,	Таксимланмаган фойда, зарар	2 510,9
4	Узоқ муддатли инвестиция	511 768,0	Мақсадли тушумлар	7 351,3
5	Қимматли қоғозлар	507 768,0	Бюджет бўйича қарзлар	155 760,9
6	Шуъба хўжалик жамиятларига инвестиц	4 000,0	Мехнатга ҳақ тўлаш қарзи	153 194,5
7	Ўрнатиладиган асбоб ускуналар	13 500,0	Бюджетдан ташқари қарзлар	411 093,0
8	Товар-моддий захиралар	-	Таъсисчиларга бўлган қарз	27,0
9	Пул маблағлари	16 361,5	Мол етказиб берувчилар ва пудратчи ларга қарз	216 402,4
10	Дебиторлар жами	818 473,0	Шуъба ва қарам хўжалик жамиятлари га	9 426,5
11	Бошқа жорий активлар	391 274,0	Бошқа кредитор қарзлар	3 625,0
12			Қисқа муддатли қарзлар (кредит, м/ё)	843 855,1
	Актив бўйича жами	2 663 045,5	Пассив бўйича жами	2 663 045,5

«Авиасозлар дехқон бозори» АЖнинг 2018 йил 1 январь учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи (минг сум)

Кўрсаткичлар номи	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
	Даромадлар	Харажатлар	Даромадлар	Харажатлар
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан тушган соф тушум	1 144 490,8	х	1 311 521,0	х
Сотилган махсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг тан нархи	х	69 484,8	х	х

Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)	x	-	x	x
Давр харажатлари жами	x	762 578,9	x	751 380,5
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	312 427,1	x	560 137,5	x
Молиявий фаолиятнинг даромадлари жами	341 506,4	x	499 427,1	x
Умумхўжалик фаолиятнинг фойдаси (зарари)	x	x	x	x
Даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)	x	x	x	x
Даромад (фойда) солиғи	x	723 501,1	x	x
Хисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	x	69 576,6	179 802,4	x

Мажлис раиси 2016 йил якуни буйича жамият аудитори томонидан салбий хулоса берилгани, ушбу хулоса уз вақтида тугриланиши буйича 2016 йил якуни буйича утган умумий йиғилишда жамият ижроия органи раҳбарига топширик берилгани, лекин нима сабабдан килинмагани тугрисида савол берди.

Жамият раҳбари ушбу масала 2018 йилда куриб чиқилиб, аудитор томонидан ижобий хулоса берилганини билдирди.

Жамият раҳбари томонидан ушбу масалага совукконлик билан ёндашилгани инобатга олинди ва яна бир бор жамият аудиторининг 2016 йил якуни буйича салбий хулосаси такрорий таҳлил килиниши мақсадга мувофиқ деб топилди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидagi **бешинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни жамият муҳосиби Ф.Абдумуслимова сўзга чиқиб, жамиятни 2016-2017 йил якуни буйича фойда ва зарарлари ҳисоб варағини тасдиқлаш ҳақида қуйидагиларни маълум қилди:

Жамиятнинг 2016-йил учун белгиланган даромадлар режасидаги соф фойда 93 901,7 минг сўм бўлиб, амалда жамият -69 567,7 минг сўм зарари билан чиққанлигини, 2017 йил учун белгиланган даромадлар режасидаги соф фойда режаси 103 306,7 минг сўм белгиланган бўлиб, режага нисбатан 179 802,4 минг сўм соф фойда олинганлигини маълум қилди.

Жамият муҳосиби Ф.Абдумуслимова 2017 йилда олинган 76 495,62 минг сўм фойдадан 73984,72 минг сумини аввалги йилларда кўрилган зарарни қоплашга ва қолган 2510,9 минг сумини жамиятни захира жамгармасига йўналтиришга таклиф этди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидagi **олтинчи масала** буйича сўзни жамият директори Ф.Б.Ибрагимов ва жамият муҳосиби Ф.Абдумуслимовага берди. Ф.Б.Ибрагимов сўзга чиқиб, жамиятни 2018 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси» ҳамда Ф.Абдумуслимова сўзга чиқиб жамиятнинг 2018 йил «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» билан тўлиқ таништириб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидagi **еттинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасини амалдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонуни ва Кузатув Кенгаши ҳисобот йили якуни буйича жамиятнинг ижроия органи билан тузилган шартномани амал қилиш муддатини узайтириш масалага куйилгани, жамият раҳбарининг йил буйича қандай ишлаганлиги Кузатув кенгаши томонидан хулоса берилиши лозимлиги, жамият ижроия органи иши буйича Кузатув кенгаши томонидан жамият ижроия органи раҳбари Ф.Ибрагимовга 2017 йил 17 апрелда «ХАЙФСАН» БЕРИЛГАНИ, 2017 йил 18 июлда такрорий интизомий чора сифатида ойлик иш ҳақининг 20% миқдорда ушлаб қолиш чораси курилгани инобатга олинди.

9	Масала										
9.1	Г.Э.Абдуллаева	625 975	100%	0	0	0	0	0	0	0	0
9.2	Э.Б.Кўчқоров	625 975	100%	0	0	0	0	0	0	0	0
9.3	Н.А.Норхўжаев	625 975	100%	0	0	0	0	0	0	0	0
10	Масала	625 975	100%	0	0	0	0	0	0	0	0

Кун тартибида куриб чиқилган масалалар юзасидан

Қарор қабул қилади.

- «Наврўз деҳқон бозори» АЖнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари шартли равишда тасдиқлансин (ёқлаган 625 975 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
- Жамиятнинг 2016-2017 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан «KAMILA-AZIM-AUDIT» МЧЖнинг 2018 йил 4-майдаги аудиторлик ижобий фикр ҳулосаси инobatга олинсин (ёқлаган 625 975 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
- Жамият Тафтиш комиссиясининг 2016-2017 йил якуни бўйича ўз ваколати доирасига кирган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳулосаси инobatга олинсин ва тасдиқлансин (ёқлаган 625 975 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
- Жамиятнинг 2016-2017 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи инobatга олинсин ва тасдиқлансин (ёқлаган 625 975 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
- Жамиятнинг 2016 йил якуни бўйича -69 567.7 минг сўм зарари инobatга олинсин ва 2017 йил якуни бўйича кўрилган 76 495,62 минг сўм фойдадан 73984,72 минг сумини аввалги йилларда кўрилган зарарни қоплашга ва қолган 2510,9 минг сумини жамиятни захира жамгармасига йўналтириш тасдиқлансин (ёқлаган 625 975 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).
- Жамиятнинг 2018 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” етарли овоз булмаганлиги сабабли тасдиқланмади (ёқлаган 475 овоз – 0,07 %, қарши – 625500, 99,99%, бетараф– йўқ).
- Жамият директори Ф.Б.Ибрагимовнинг меҳнат шартномасини узайтириш масаласига етарли овоз берилмаганлиги сабабли тасдиқланмади (ёқлаган 475 овоз – 0,07 %, қарши – йўқ, бетараф- 625500 та овоз, 99,99%).
- Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйидагилар сайлансин:
 - 8.1 Асимов Шухрат Ҳакимович 625 975 - та овоз
 - 8.2 Алимов Иномжон Саидкулович. 625 975 - та овоз
 - 8.3 Тўрабеков Машраббек Улуғбекович. 625 975 - та овоз
 - 8.4 Каримов Малик Рахимович . 625 975 - та овоз
 - 8.5 Иброхимов Тўлқин Собитович. 625 975 - та овоз
- Жамият Тафтиш комиссияси таркиби тасдиқлансин.
 - 9.1. Абдуллаева Гулчехра Эркиновна 625 975 - та овоз
 - 9.2 . Кўчаров Элмурод Бободавлатович 625 975 - та овоз
 - 9.3 . Норхўжаев Нозимхўжа Абдуқодир ўғли 625 975 - та овоз
- Жамият “FTF-LEA-AUDIT” аудиторлик ташкилоти томонидан 2017 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви натижаси -274 баҳо, фоиз шкала 23% баҳоси маълумот учун қабул қилинсин, келгусида берилган паст кўрсаткич натижаларини яхшилаш бўйича зарурий чоралар кўрилсин. (ёқлаган 625 975 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

11. Жамият ижроия органига мазкур йиғилиш қарорини бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

Мажлис раиси



Т.К.Камолов

Баенни олиб борувчи



З.Т.Бердиева